

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва Ўрта Махсус  
Таълим Вазирлиги  
Тошкент Архитектура-Қурилиш Институтини**

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
**УДК**

**Бабаджанова Дилдора Гайбуллаевна**

**“Банк кредитини олишда кўчмас мулк объектларини  
қийматини белгилаш тартибини такомиллаштириш”**

**5А340901 “Кўчмас мулкни баҳолаш ва бошқариш”**

**Магистр**

**академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**

**и.ф.д., проф. Жабриев А.**

**Тошкент 2015**

## Мундарижа

<b>Кириш</b> .....	3
<b>I. БОБ. КЎЧМАС МУЛКНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ</b> .....	9
1.1. Кўчмас мулк хақида умумий тушунчалар ва кўчмас мулк бозори.....	9
1.2. Тижорат мақсадларида фойдаланиладиган кўчмас мулк объектларни баҳолашнинг асосий методлари ва тамойиллари.....	13
1.3. Кўчмас мулкни баҳолашнинг халқаро ва миллий стандартлари.....	18
I-боб бўйича хулосалар.....	28
<b>II. БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК КРЕДИТИНИ ОЛИШДА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ХИСОБОТЛАРИ ТАХЛИЛИ</b> .....	29
2.1. Кўчмас мулк бозоридаги жорий ҳолатнинг тахлили.....	29
2.2. Банк кредитини олиш мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулкни баҳолашга таъсир этувчи омиллар.....	40
2.3. Банк кредитини олиш мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулкни баҳолашда қиёсий ёндашувлар тахлили.....	45
II боб бўйича хулосалар.....	75
<b>III. БОБ. ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ</b> .....	79
3.1. Банк кредитини олиш мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулк объекти қийматига таъсир қилувчи аниқланган омиллар.....	79
3.2. Банк кредитини олиш мақсадида фойдаланиладиган кўчмас мулкни баҳолаш жараёнида мавжуд салбий омиллар таъсирини камайтириш бўйича таклиф ва хулосалар.....	86
III боб бўйича хулосалар.....	88
<b>Хулоса</b> .....	90
<b>Адабиётлар рўйхати</b> .....	94

## Кириш

### Мавзунинг долзарблиги.

Бугунги кунда бутун дунёда кўчмас мулк бозори юқори суръатлар билан ривожланиб, тобора такомиллашиб бормоқда. Шу ўринда эътироф этиш керакки, Республикамиз Президенти ва Хукуматимиз томонидан мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, мулкый муносабатларни ривожлантириш ва аҳолида мулкга эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишдаги иқтисодий ва ҳуқуқий соводхонлигини оширишда алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Бунинг провард натижаси сифатида республикамиз иқтисодиёти тармоқларида сезиларли ўсиш сурати сақланиб келмоқда. Бунинг исботини 2014 йил яқунларида кўришимиз мумкин.

Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганларидек, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга ўсди, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги 6,9 фоизга, чакана савдо айланмаси 14,3 фоизга ошди. Инфляция даражаси прагнос кўрсаткичидан паст бўлди ва 6,1 фоизни ташкил этди. [И.А.Каримовнинг йил яқунлари, 2015й<sup>1</sup>]

Сўнгги йилларда республикамизда мулкый муносабатларни тартибга солиш билан боғлиқ барча масалаларга, жумладан баҳолаш фаолиятига катта эътибор қаратилмоқда. Баҳолаш фаолиятини ривожлантиришга қаратилган муҳим тадбирлар амалга оширилди. Тармоқ фаолиятини халқаро қоидалар асосида мувофиқлаштириш, баҳолаш фаолиятини тўғри ташкил этиш борасидаги асосий ютуқлардан бири ўндан ортиқ давлат стандартларини қабул қилиниши бўлди.

Республикамизда сўнгги йилларда ишлаб чиқаришни модернизациялашга қаратилган инвестицион сиёсат кўплаб ишлаб чиқариш қувватлари ва ижтимоий соҳа объектларини қуриб ишга тушириш имкониятларини бермоқда. Айниқса аҳоли сони тез суръатлар билан ўсиб бораётган республикамизда турар жой муаммосини хал қилишда турли инвестиция ва кредитлардан кенг

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Ислон Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дстурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.

фойдаланилмоқда. Бу борада банк кредитларини олишда гаров кафолати сифатида кўчмас мулк объектлари қўйилмоқда.

Банк кредитларини олишда гаров кафолати сифатида кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида бир қанча норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида”ги, “Ипотека тўғрисидаги”, “Микромолиялаш тўғрисидаги” ва “Истеъмол кредити тўғрисидаги” Қонунларини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майда қабул қилинган 148 сонли “Тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарор ва бошқа қонун ҳужжатларини келтириш мумкин.

“Ўзбекистонда қишлоқ жойларида ҳар йили 150 мингдан ортиқ янги оила вужудга келмоқда, мустақил тарраққиётимиз йилларида эса қишлоқларимизда 2 миллион 600 мингдан зиёд ёш оила пайдо бўлди ва улар ўз уйига эга бўлишга эҳтиёж сезмоқда” [ПҚ-1046-сон қарорига илова, 2009й<sup>2</sup>]. Республикамиз аҳолисини уй жойга эга бўлишининг энг қулай усулларида бири ипотека кредитини олиш ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида “Аҳолининг кенг қатламли, шу жумладан, ёш оилалар учун қурилган ёки реконструкция қилинган қилинган уй жойларни харид қилиш учун ипотека кредитларини бериш” тартиби тўғрисида низом Ўзбекистон Республикаси Марказий банк бошқарувининг 2008 йил 13 июндаги 14/5 сонли қарори билан тасдиқланган. Бунда ёш оила доимий иш жойига ҳамда ўз фаолияти натижасидан олинadиган даромадга ёки бошқа расмий даромад манбаларига эга ҳар иккаласи биринчи марта расмий никоҳда бўлган, ипотека кредити беришни сўраб ариза берган санага қадар ҳар бири 30 ёшдан ошмаган ёшлар ҳисобланади.

---

<sup>2</sup> “Қишлоқ тарраққиёти ва фаровонлиги йили” Давлат Дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарорига Илова. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2009 йил, 5-сон, 33-модда.

Ўтган тўрт йил мобайнида республикамиз қишлоқ жойларида 23,6 минг нафар якка тартибда уй жой қурилиш қиймати 677 миллион доллардан зиёд ипотека кредитлари берилди [ПҚ-1046-сон қарорига илова, 2009й<sup>3</sup>]. Ипотека кредитини олиш учун олинаётган кўчмас мулкни (турар жойни) иккиламчи бозорда гаров кафолати сифатида баҳолаш талаб этилади. Бунда баҳоловчи вазифасига Ўзбекистон Республикаси қонуни доирасида ва баҳолашни миллий стандарти асосида кўчмас мулкни бозор нарҳини ҳолисона аниқлаб бериш киради. Турли мақсадларда кўчмас мулкни баҳолаш туб моҳияти шундаки, режалаштирилган иқтисодий жараённинг моҳиятини инобатга олган ҳолда аниқ вақт кесимида объектнинг реал қийматини аниқлашдан иборат. Кўчмас мулкнинг қиймати унинг иштрокида амалга оширилиши режалаштирилган иқтисодий жараён ва шарт шароитга қараб турли қийматни ташкил этади.

Жумладан турли мақсадларда тўлов мажбуриятларини олган ҳолда кредитларни олиш учун кўчмас мулк объектдан гаров кафолати сифатида фойдаланиш механизмларини такомиллаштириш бир томондан кредитни олувчи жисмоний ва юридик шахслар учун қулайликлар яратса иккинчи томондан молия муассасалари учун ресурсларини йўқотиш эҳтимолини камайтиради. Бундай жараёнларда гаров кафолатининг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқиб бугунги кунда шу мақсадда кўчмас мулкни қийматини реал ва ҳолис баҳолашнинг услубий асосларини такомиллаштириш **муҳим ва долзарб масала ҳисобланади.**

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Дунёда мулкрий муносабатлар билан боғлиқ иқтисодий жараёнларнинг ривожланиб бориши, кўчмас мулк бозори инфраструктурасини ривожлантириш масалалари дунё илмий оммасининг диққат марказида бўлиб келмоқда. Мазкур соҳада кўплаб илмий ва амалий изланишлар олиб борилиб, улар кўчмас мулкни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини жорий этиш муаммолари ва баҳолаш тизимини ислох этиш каби масалаларни ривожлантиришга ҳизмат қилмоқда.

---

<sup>3</sup> "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат Дастури. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сон қарорига Илова. "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами", 2009 йил, 5-сон, 33-модда.

Кўчмас мулк билан боғлиқ иқтисодий жараёнларга бағишланган тадқиқотларни шартли равишда 2 гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин;

- Хорижий мутахассислар ва иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари;
- Мамлакатимизда олиб борилган илмий изланишлар.

Кўчмас мулкни баҳолаш муаммолари илмий изланиш олиб борган хорижлик олимлар рўйхатига Кен Макэлрой, Фридман Джек, Ордуэй Николас, Е.М.Трейгер, Тэпман Л.Н, М.А. Федотова, В.Ю. Рослов, А.Н. Асаул, Татарова А.В, Я.В.Шетинин, И.Х.Наназашвили, О.Н.Шербакова, А.И.Мишанов, Д.А.Лапченко, С.С.Василенко, Н.Е.Симионова, В.А.Прорвич, И.В.Гранова, В.А.Литовченко, М.М.Соловьев, Ю.И. Страхов, Калачева С.А., Н.В.Буланова, В.Б.Железний, А.В.Каминский, Грибовский С.В., Е.П.Ким, Иванова Е.Н., Львов Д.С., Медведова О.Е, Шевчук Д.А., Гриненко С.В., Карасев А.В., Паламарчук А.С., Белокрыс А.М., Болдыров В.С., Олейник Т.Л., Зарубин В.Н., кабиларни келтириб уларнинг хар бири томонидан олиб борилган изланишлар мазкур соҳа фани ривожига учун хисса қўшганини таъкидлаб ўтиш лозим.

Ўзбекистонда кўчмас мулк бозори ва кўчмас мулкни баҳолашнинг илмий назарий асослари, уни баҳолашнинг турли хил ёндашувлар усуллари бир қатор тадқиқотчи олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Бу борада К.Б. Ганиев, И.Ю.Абдурахмонов, Н.Ж. Туйчиев, Г.И.Ганиева, Р.Ҳ.Алимов, Б.Б.Беркинов, А.Н.Кравченко, Б.Ю.Ходиев, В.У.Ёдгоров, Ш.Ш.Шоҳагзамий, М.Икрамов, М.М.Мирахмедовларнинг ишларини келтириш мумкин. Аммо, юқорида номлари келтирилган Ўзбекистонлик олимларнинг асарлари кўчмас мулкни баҳолаш билан боғлиқ жараёнларни ўрганишга қаратилган бўлиб, ҳозирги кунга қадар кўчмас мулкни айнан гаров қафолати сифатида баҳолаш мавзусида илмий изланишлар кам олиб борилган.

### **Ишнинг мақсади.**

Тадқиқот ишдан мақсад-банк кредитларини олишда фойдаланиладиган кўчмас мулкни баҳолашнинг ўзига хос услубий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот ишининг бош мақсадидан келиб чиқиб, қуйидагилар тадқиқот ишининг асосий вазифалари қилиб белгиланади:

- банк кредитларини олишда фойдаланиладиган кўчмас мулкни баҳолашнинг асосий тамойиллари, ҳуқуқий меъёрий асослари ва қонун ҳужжатларини ўрганиш;
- кўчмас мулкни банк кредитларини олишда баҳолашнинг назарий ва услубий асосларини ва турли ёндашувларини ўрганиш;
- кўчмас мулкни ссуда, гаров ва қарз мажбуриятларини таъминлаш учун баҳолашнинг миллий стандартларини ўрганиш;
- кўчмас мулк бозорида банк кредитларини олишда фойдаланиладиган объектлари бозори ҳолатини таҳлил қилиш;
- банк кредитини олиш мақсадида фойдаланиладиган объектларни баҳолаш фаолиятини ҳамда баҳолашда қиёсий усулларни таҳлил қилиш;
- кўчмас мулк иштирокидаги иқтисодий муносабатларни ривожлантириш мақсадида банк кредитларини олишда фойдаланилган кўчмас мулклар тўғрисидаги маълумотлар базасини яратиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш;

**Тадқиқот объекти.** Тошкент шаҳрида банк кредитларини расмийлаштириш жараёнида гаров кафолати сифатида фойдаланилган кўчмас мулк объектлари.

**Тадқиқот предмети.** Банк кредитларини олишда нотурар жой биноларини баҳолаш жараёни ва унинг услубий асосларини ташкил этади.

**Тадқиқотнинг методологик ва назарий асоси** бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари ва фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Вазирлар Маҳкамаси, Давлат мулк кўмитаси қарорлари ва меъёрий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Мулкни Баҳолаш миллий стандартлари, ватанимиз ҳамда

хорижий олимларнинг илмий ишлари, шунингдек, баҳолаш фаолиятига оид чоп этилган иқтисодий адабиётлар ташкил этади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти** шундаки, диссертацияда умумлаштирилган назарий хулосалар ва амалий тавсиялар, банк кредитларини олишда гаров кафолати сифатида фойдаланиладиган кўчмас мулк объектлари қийматини баҳолашни чуқур ўрганишга бағишланган бўлиб, улардан келажакда мазкур мақсадда кўчмас мулкни баҳолаш амалиётида, мазкур мавзудаги илмий-тадқиқот ишларини олиб боришда фойдаланиш мумкин. Диссертациянинг назарий хулосалари ва амалий натижаларидан алохида нотурар жойларни баҳолашни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқишда, «Кўчмас мулк иқтисодиёти», «Кўчмас мулкни баҳолаш» каби иқтисодий фанлар ва ўқув курсларини ўқитишда фойдаланиш мумкин.

**Диссертация ишининг таркибий тузилиши.** Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.


# **I. БОБ. КЎЧМАС МУЛКНИ БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ ВА ХУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОСЛАРИ.**

## **1. Кўчмас мулк ҳақида умумий тушунчалар ва кўчмас мулк бозори.**

Кўчмас мулк - бу кенгликда белгиланган ўрнашган жойига эга бўлган жисмоний объектлар ва улар билан ҳам ер ости, ҳам ер усти бўйича чамбарчас боғлиқ бўлган ёки хизмат кўрсатувчи предмет ҳисобланган барча нарсалар, шунингдек, объектларга эгалик қилиш билан боғлиқ ҳуқуқлар, манфаатлар ва фойдалардир. Жисмоний объектлар деганда, бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган ер участкалари ва уларда жойлашган қурилишлар тушунилади. Кўчмас мулк фуқаролик ҳуқуқларининг объекти ҳисобланади ва у жойлашган ер участкалари билан чамбарчас боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 83-моддасига мувофиқ кўчмас мулкка «ер участкалари ва ер ости, кўп йиллик экинлар, шунингдек, бино ва иншоотлар» киради. Қонун билан кўчмас мулкка бошқа мол-мулк ҳам киритилиши мумкин. Кўчмас мулкнинг асосий объектлари 1.1-расмда келтирилган.

Кўчмас мулк (ер участкаларидан ташқари) барпо этилади, фойдаланилади ва эскиради. Кўчмас мулк барпо этилиш ёки қурилиш босқичида бўлган (қурилиши тугалланмаган); белгиланишига кўра фойдаланиладиган; самаралироқ янги йўналишда фойдаланиладиган; уларнинг эскириши туфайли улардан фойдаланишнинг иложи бўлмайдиган объектлар кўринишида намоён этилиши мумкин.

«Кўчмас мулк бозори» деганда, «товар алмашуви соҳаси тушунилади, «Унда олди-сотди жараёни билан боғлиқ муносабатлар юзага келади ва амалга оширилади». Ушбу бозор «маълум бир механизмлар тўплами бўлиб, улар ёрдамида мулкка бўлган ҳуқуқ ва у билан боғлиқ манфаатлар бир шахсдан бошқа шахсга ўтади, нархлар белгиланади ва ердан фойдаланишнинг турли рақобатлашувчи вариантлари ўртасида тенг тақсимланади».




**1.1-расм. Кўчмас мулк объектлари. (Турдиев А.С. маъруза матни)**

**Бирламчи бозор** - бу кўчмас мулк товар сифатида биринчи бор бозорга тушадиган иқтисодий вазият. Хўжалик юриштишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш шароитида кўчмас мулк бозорида асосий сотувчи бўлиб, ўз бошқарув органида орқали давлат иштирок этади.

**Иккиламчи бозор** – кўчмас мулкнинг илгари истеъмолда бўлган ва маълум бир мулкдорга - жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган товар сифатида бозорга тақдим этилиши.

Кўчмас мулк бозори субъектларининг умумлаштирилган таркиби 1.2-расмда тасвирланган кўринишга эга.



**1.2 расм. Кўчмас мулк бозорининг бозор инфратузилмалар субъектлари. (Турдиев А.С. маъруза матни)**

Кўчмас мулк бозори инфратузилмасининг асосий функциялари ва унинг фаолиятининг турлари шартли равишда уч гуруҳга бўлинади:

**Биринчи гуруҳ** – кўчмас мулк бозорини ўрганиш;


**Иккинчи гуруҳ** – кўчмас мулк билан операцияларни тайёрлаш;

**Учинчи гуруҳ** - кўчмас мулк билан операцияларни ўтказиш.

Инфратузилманинг **биринчи гуруҳ** функцияларини бажаришдаги фаолияти маркетинг тадқиқотлари, юридик маслаҳатлар ва ахборот хизматларини ўз ичига олади.

**Иккинчи гуруҳ** тендер, кўргазмалар, реклама, тендир ўтказиш учун ҳужжатлар тайёрлаш, учрашувлар ўтказиш, газеталарга эълон бериш каби ишларни ўз ичига олади.

**Учинчи гуруҳ** эса олди-сотти ишларини бажариш ҳужжатларини расмийлаштириш, ҳужжатларни имзолаш каби ишларни ўз ичига олади.



**1.3 расм. Давлат-кўчмас мулк бозорининг субъектлари (Турдиев А.С. маъруза матни)**

## **1.2. Тижорат мақсадларида фойдаланиладиган кўчмас мулк объектларни баҳолашнинг асосий методлари ва тамойиллари.**


Баҳолаш тамойиллари бозорда кўчмас мулк ҳолати таҳлил қилинадиган нуқтаи назарларни шакллантиради ва белгилайди. Қиймат баҳоланган вақтда, баҳолаш объектини турли нуқтаи назарлардан тартиб билан кўриб чиқиш ва таҳлил этиш амалиётда кенг қўлланилади.

**Баҳолаш тамойиллари** - фойдаланувчиларнинг, мулкчилик компонентларининг ўзаро муносабатларини, кўчмас мулк бозорини ва мулкдан энг яхши ва самарали фойдаланиш нуқтаи назарларини акс эттиради.

Баҳолаш жараёнининг назарий асоси бўлиб, баҳолаш тамойилларининг тизими ҳисобланади. Жаҳон амалиётида баҳолаш тамойилларининг тўртта гуруҳи ажратилади. Кўчмас мулкни баҳолаш:

- Мулкдорнинг тасаввурларига асосланган тамойиллар
- Мулкни эксплуатация қилиш билан боғлиқ тамойиллар
- Бозор муҳитининг ҳаракати билан шартланган тамойиллар
- Мулкни энг яхши ва энг самарали фойдаланиш билан боғлиқ тамойилларга асосланади.

Тамойиллар сонининг кўплиги уларнинг барчасини бир вақтда қўллаш мумкинлигини англатмайди (1.4-расм). Ҳар бир ҳолатда асосий ва ёрдамчи тамойиллар ажратилади. Бу тамойиллар фақатгина бозор иқтисодиёти субъектлари хатти-ҳаракатларининг асосий қонуниятларини тавсифлайди ва реал турмуш шароитларида бир қатор омиллар уларнинг ҳаракатларини бузиши мумкин.



**1.4-расм. Кўчмас мулкни баҳолашнинг асосий тамойиллари.**  
(Турдиев А.С. маъруза матни)

**Биринчи гуруҳ тамойиллар.** Фойдаланувчининг нуқтаи назарини акс эттирувчи вазият асосида қуйидаги тамойиллар ётади:

**Фойдалилик тамойили** – бу муайян кўчмас мулкнинг фойдаланувчи эҳтиёжларини қониқтириш қобилияти.

Кўчмас мулк муайян фойдаланувчи учун унинг иқтисодий, шахсий ва ҳ.к. эҳтиёжларини амалга ошириш фойдали бўлган тақдирдагина қийматга эга бўлади. Масалан, агарда кимдир кўчмас мулк учун пул тўлашга тайёр бўлса ва шу билан бирга мулкдорга даромад келтирсагина бу кўчмас мулк фойдалидир. Кўчмас мулк ўз эгасини фахрлантирса ёки мулк эгасининг оилавий эҳтиёжини қониқтирсагина фойдалидир.

**Ўриндошлик тамойили** шундан иборатки, бунда кўчмас мулкнинг энг юқори баҳоси, ўхшаш фойдалиликка эга бошқа объект сотиб олинadиган энг кам сумма билан белгиланади.

Ўзига хос, тадбиркор харидор маҳаллий бозорда бир хил фойда келтирувчи ўхшаш объект қийматидан кўпроқ пулни объект учун тўламайди. Бундай харидор янги объект қурилиши қийматидан кўпроқ маблағни мулк учун сарфламайди.

**Кутиш ва олдиндан кўриш тамойили** бўлажак фойдаларга ва уларнинг ҳозирги қийматига нисбатан фойдаланувчининг нуқтаи назарини белгилайди. Келгуси фойдаларни кутиш уларнинг миқдорини ва ўзига хос томонларининг ўзгариши эҳтимоли билан боғланган бўлиб, бу эса ўз навбатида, мулкнинг ҳақиқий қийматига таъсир этиши мумкин. Кутиш тамойилларининг асосида вақт мобайнида пул қийматининг ўзгариши назарияси ётади.

**Иккинчи гуруҳ тамойиллар.** Мулкдан фойдаланиш билан шартланган ва ишлаб чиқарувчиларнинг тасаввурларига боғлиқ.

**Улушлар тамойили.** Улуш – ишлаб чиқариш омилларининг бирор бир таркибий қисмининг мавжудлиги ёки йўқлиги туфайли мулк қиймати ўзгарадиган сумма. Бошқача айтганда, улуш - бу ишлаб-чиқариш омилларининг муайян таркибий қисмларининг мавжудлиги натижаси бўлган мулк қийматига қилинган қўшимча. Бунда улуш миқдори, одатда, кўриб чиқиладиган таркибий қисмининг аниқ қийматига мос келмайди. Улушлар тамойили одатда энг яхши ва самарали мулкдан фойдаланиш таҳлил этилганда ортиқча ёки етишмаган яхшиланишларни аниқлаш учун фойдаланилади.

**Қолдиқ унумдорлиги тамойили.** Қолдиқ унумдорлик меҳнат, маблағ ва бошқарув харажатлар қоплангандан кейин, ерга тааллуқли соф даромад билан белгиланади.

Мазкур тамойил товарларни ишлаб чиқариш ёки хизматлар учун ишлаб чиқаришнинг тўртта омили мавжудлиги ва зарурлиги тўғрисидаги мумтоз иқтисодий назария қоидасини акс этиради.

Булар ер, меҳнат, маблағ ва бошқарув омилларидир. Шу мавжуд омиллардан лозим даражада фойдаланганда даромад қилиш ва уларга сарфланган харажатлар қопланганидан кейин қолиши мумкин бўлган қўшимча қиймат ерга тааллуқлидир.

Қолдик унумдорлик шунинг натижасида ҳосил бўладики, ер сотувларидан келадиган фойдани кўпайтириш, харажатларни камайтириш ёки алоҳида эҳтиёжларни қондириш ҳисобига қўшимча даромадлар олиш имконини беради.

Масалан, бозор авж олган жойдаги дўконда, шунга ўхшаш шаҳар чеккасида жойлашган дўконга нисбатан товарлар кўпроқ сотилади. Истеъмолчиларнинг жуғрофий марказларида жойлашган улгуржи савдо омбори транспортга кетадиган харажатларни камайтириш имконини беради.

**Энг юқори унумдорлик тамойили.** Ишлаб чиқаришнинг у ёки бу омили ўзгариши объект қийматини ўзгартириши мумкин. Бундан мулкни баҳолашнинг яна бир тамойили келиб чиқади, унинг мазмуни қуйидагича: ишлаб чиқаришнинг асосий омилларига ресурсларнинг қўшилиб бориши билан соф натижа (даромад) харажат ўсиши суръатларидан тезроқ оша бошлайди, бироқ маълум бир нуқтага етганда соф натижа секин суръатлар билан ўсади. Бу секинлик қийматнинг ўсиши қўшилган ресурсларнинг харажатларидан камроқ бўлмагунга қадар давом этади. Мазкур тамойил энг юқори даромад назариясига асосланади ва юқори унумдорлик тамойили деб аталади.

**Мувозанатлашганлик тамойили.** Мулккий мажмуа – бу тизим бўлиб, тизимнинг ривожланиши ва мавжуд бўлиши қонуниятларидан бири бўлиб унинг элементларининг мувозанатлашганлиги ва мутаносиблиги ҳисобланади. Мулккий мажмуанинг қийматини баҳолашда мувозанатлашганлик (мутаносиблик) тамойилини ҳисобга олиш зарур, унга кўра кўчмас мулкдан энг юқори даромадни ишлаб чиқариш омилларининг оптимал нисбатларига риоя қилиш орқали олиш мумкин.

**Учинчи гуруҳ тамойиллар** бозор муҳитининг ҳаракати билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

**Мувофиқлик тамойили.** Мувофиқлик тамойили шундан иборатки, мулкдаги меъморчилик, қулайликлар даражаси, ундан фойдаланиш хусусияти маҳаллий бозор эҳтиёжларига ва кутишларига мос келганида энг катта қиймат вужудга келади.

Масалан, коттеж қурилмалари. Тумандаги ҳамма уйларда гаражлар бўлса, гаражсиз уйни бозор қабул қилмайди. Агар туманда кўпроқ эски кичик уйлар бўлиб, бой меъморчилик услубида қурилган алоҳида уйлар бўлса, бундай ҳолларда уларнинг мулк бозори андозаларига мослиги камроқ бўлади.

**Регрессия ва прогрессия тамойиллари.** Регрессия, қачонки кўчмас мулк ушбу бозор шароитларига кўра ортиқча бўлган яхшиланиш билан тавсифланса, содир бўлади. Бундай мулкнинг бозор нархи унинг реал қийматини акс эттирмайди ва уни шакллантиришнинг реал харажатларидан паст бўлади. Прогрессия, қачонки қўшни объектларнинг, масалан, яхшиланган инфратузилмани таъминловчи объектларнинг фаолият кўрсатиши натижасида ушбу кўчмас мулкнинг бозор нархи унинг қийматидан юқори бўлганда, содир бўлади.

**Рақобат тамойили.** Бу тамойилнинг мазмуни қуйидагича: агар рақобат курашининг кескинлашуви кутилаётган бўлса, у ҳолда бўлажак фойдаларни башорат қилишда ушбу омилни даромадлар оқимининг тўғридан–тўғри камайиши ҳисобидан, ёки хатар омилни ошириш йўли билан ҳисобга олиш мумкин, бу ҳам бўлажак даромадларнинг жорий қийматини пасайтиради.

**Ташқи муҳитга боғлиқлик тамойили.** Мол-мулкнинг қиймати кўпроқ ташқи муҳитнинг ҳолатига, мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликнинг даражасига боғлиқ бўлади. Шундай экан, кўчмас мулкни баҳолашда ташқи муҳитга боғлиқлик тамойилини инобатга олиш зарур.

**Тўртинчи гуруҳ тамойиллар.** Бу гуруҳ тамойилларнинг муҳим мезонлари бўлиб унинг қийматининг бозор конъюктурасининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий кучлар таъсири остида ўзгаришидан келиб чиқиб ўзгариши ҳисобланади.

**Қиймат ўзгариши тамойили.** Иқтисодий ва ижтимоий кучлар остида бозор конъюктураси ва нарх-наво даражаси ўзгаради. Бундай шароитда корхона қийматининг ўзгариши ҳам табиий. Бинобарин, корхона қийматини баҳолаш маълум бир санада амалга оширилиши керак. Қиймат ўзгариши тамойилининг моҳияти ана шундан иборат.

**Иқтисодий тақсимот тамойили.** Бу тамойилига кўра, мулк қийматини орттириш учун мулккий ҳуқуқларни ўзига хос тақсимлаш ва бириктириш лозим бўлади.

Тақсимотни мулк ҳуқуқларининг турлари учун қўллаш мумкин:

- жисмоний тақсимлаш (участкаларга, вертикал бўйича ва ҳ.к. );
- фойдаланиш ҳуқуқлари бўйича тақсимлаш (фойдаланиш ҳуқуқини чеклашлар);
- мулк ҳуқуқлари кўринишлари бўйича тақсимлаш (биргаликда ижарага олиш, шериклик, ҳиссадорлик жамиятлари ва ҳ. к.);
- фойдаланиш вақти бўйича тақсимлаш (турли муддатларга ижарага кўйиш, бутун ҳаёт давомида эгалик қилиш, келгуси ҳуқуқлар).

**Энг яхши ва энг самарали фойдаланиш тамойили.** Юқорида келтирилган тамойилларни қўллаш орқали амалга оширилган таҳлилнинг натижаси бўлиб, мулкдан энг яхши ва энг самарали фойдаланиш ҳисобланади.

### **1.3.Кўчмас мулкни баҳолашнинг халқаро ва миллий стандартлари.**

Баҳолашнинг халқаро стандартлари баҳолаш стандартлари бўйича халқаро қўмита (International Standards Committee - IVSC) томонидан ишлаб чиқилади, бу халқаро ташкилот жаҳоннинг 50 дан ортиқ мамлакатининг баҳоловчилар касбий ташкилотларини бирлаштиради.

АҚШда ҳам, Европада ҳам «меъёрлар» ёки «стандартлар»га қонунларнинг муттасил тўплами сифатида қаралмайди. Шунинг учун IVSCнинг асосий вазифаларидан бири баҳолашнинг миллий стандартлари ва халқаро

хамжамият эҳтиёжларига мос келадиган стандартлар ўртасидаги мувофиқликка эришиш ҳисобланади.

Стандартлар ва улар билан боғлиқ меъёрий материаллар ҳозирги вақтда IVSC аъзолари бўлган 50 га яқин давлатнинг умумий фикрини ифодалайди.

Баҳолашнинг халқаро стандартлари сиёсий қарашларга боғлиқ бўлмаган иқтисодий тамойилларнинг ягоналигини ақс эттирувчи мустахкам асосга эга.

2000 йил 1 июлда IVSC Халқаро баҳолаш стандартларининг янги тахририни қабул қилди (МБС - 2000), унга киритилган ҳужжатларнинг сони илгари амал қилган МБС ҳужжатларидан деярли икки марта кўп бўлди. 2001 йил 26 июлда эса МБСнинг 2001 йилги тахрири қабул қилинди (МБС - 2001). Бу нашр МБС - 2000 нашри қоидаларини ривожлантиради ва чуқурлаштиради ҳамда баҳолаш хизматлари бозоридаги долзарб ўзгаришларни ақс эттиради. Бозор қиймати ва ундан фарқ қилувчи базалар тегишлича 1- ва 2-стандартларда кўриб чиқилган.

МБС - 2001 стандартларни қўллаш бўйича иккита тавсияни ўзида мужассамлаштирган. Қайсиқим улар стандартларни молиявий ҳисобот мақсадларида ва гаров остида кредитлаш мақсадларида қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини кўриб чиқган.

МБС - 2001 кўчмас мулк, ижара ҳуқуқлари, машиналар ва жихозлар, номоддий активлар, бизнесни баҳолаш, шунингдек, баҳолаш чоғида захарли ифлосланишни ҳисобга олиш масалаларига бағишланган яна етти та услубий қўлланмани ўз ичига олади. МБС га изохларда (1-3) ривожланаётган бозорларда баҳолаш, жамият (давлат) сектори активларини баҳолашни ўтказишнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг (Basel committee of banking supervision) талабларига мувофиқ активларни баҳолаш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилган. Стандартлар фойдаланиладиган атамаларнинг муфассал глоссарийси билан таъминланган.

### ***Европа баҳолаш стандартлари***

Баҳолашнинг Европа стандартларини ишлаб чиқишда Европа асосий фондлар баҳоловчилари гуруҳи (TEGOVOFA) муҳим рол ўйнайди,

у 1977 йилда Ғарбий Европа мамлакатлари баҳоловчилари миллий ташкилотларининг нотижорат уюшмаси сифатида ташкил этилган.

Хозирги вақтда Европа иттифоқининг давлатлари профессионал баҳолаш ташкилотлари TEGOVOҒA аъзолари ҳисобланишади, унда Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари, шу жумладан, Чехия Республикаси, Венгрия, Польша, Болгария, Руминия ва Албания фаол иштирок этмоқда.

Европа баҳолаш стандартлари ташкилот аъзолари учун мажбурий хусусиятга эга эмас, лекин Европа иттифоқининг (ЕБС) тегишли меъёрий ҳужжатларига киритиш учун ишлаб чиқилган энг яхши тажрибани намоён этувчи ва ЕБС мамлакатларининг тегишли миллий стандартларини қабул қилишга туртки берувчи стандартлар сифатида қабул қилиш учун тавсия этилади.

ЕБСнинг мақсадлари қуйидагиларни таъминлашдан иборат:

- аниқ тавсиялар бериш йўли билан баҳоловчиларга уларнинг миқдорлари учун келишилган ҳисоботларни тайёрлашда ёрдам бериш;
- бозор қийматини стандарт аниқлаш ва баҳолашга нисбатан ёндашувлардан фойдаланиш йўли билан келишилган баҳолар белгилаш;
- умумий қабул қилинган малака даражасини тасдиқлаш ёрдамида сифат стандартларига эга бўлиш;
- ер ва қурилиш ресурсларидан самарали фойдаланишни иқтисодий таҳлил қилиш учун аниқ асослар;
- баҳоловчининг ролини тушинишни ошириш;
- миллий қонунчилик ҳамда баҳолаш ва бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига мувофиқ қийматнинг аниқ, бир хил аниқланишини таъминловчи тадбирларни белгилаш.

Европа баҳолаш стандартлари батафсил баён этилиши билан ажралиб туради, уларда МБСда кўриб чиқилмайдиган, бироқ ўзининг асосий тамойилларига кўра МБСга ўхшаш бўлган қўшимча масалалар ҳам ёритилади.

Европа баҳолаш стандартлари («Зангори китоб»)нинг сўнгги тахрири 2000 йилда қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжат 9 та стандарт ва 13 та услубий тавсияни ўз ичига олади. Бунда 1-3 стандартларда ушбу стандартларнинг Халқаро баҳолаш стандартларига мос келиши билан боғлиқ масалалар, шунингдек, баҳоловчининг малакаси ва унинг услубий этикаси билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

Молиявий ҳисобот мақсадлари учун баҳолаш билан боғлиқ масалалар 5-стандарт билан регламентланган. Унда активлар таснифи ва унга асосланган баҳолаш асосини танлаш берилган. Стандарт яна бир бўлимни ўз ичига олади. Унда асосий таърифлар берилган, баҳолаш методологиясининг масалалари, ер, бинолар ҳамда махсус объектларни баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилади.

Гаров сифатида кўчмас мулкни, шунингдек ипотека кредитлаши чоғидаги бошқа предметларни баҳолаш муаммоларига 6-стандарт бағишланган. Ушбу стандартда гаров қиймати, мажбуриятларнинг махсус қиймати каби тушунчаларнинг таърифи берилган, шунингдек, баҳоловчига нисбатан алоҳида талаблар, яъни унинг мустақиллиги, жавобгарлиги ва махсус билимларга эга бўлиши белгиланган.

Бўлажак санада кўзда тутилаётган қиймат билан боғлиқ баҳолаш масалаларини тартибга солиш, унда инвестиция қиймати, келажак ёки ўтган санага баҳолаш, бўлажак қийматни олдиндан айтиб бериш каби тушунчалар 7-стандартда очиқ берилган.

Инвестиция ва суғурта компаниялари ҳамда пенсия фондларининг қимматли қоғозларига инвестициялар қилиш масалаларини 8-стандартда қамраб олган. Стандартда ЕИ кўрсатмаларига мувофиқ бозор қийматини аниқлаш билан боғлиқ масалалар ҳамда баҳолаш методологияси, баҳоловчининг малакасига доир масалалар кўриб чиқилган.

### ***Кўчмас мулкни баҳолашнинг миллий стандартлари***

Мулкни баҳолаш стандартлари Халқаро қўмитаси (МБАХҚ) 1981-йилда ташкил этилиб, 1985-йилда БМТ Реестрига киритилган эди. Молия ҳисобида

фойдаланиш учун мулкни баҳолаш тадбири бўйича стандартлар ва амалий тавсияларни жамият манфаатлари мақсадида қўллаш ва эълон қилиш МБАХҚ нинг асосий вазифаларига киради. Ушбу ташкилот ҳомийлигида Халқаро баҳолаш стандартлари (ХБА) яратилган бўлиб, улар мулкни баҳолашнинг асосий таърифларини белгилайди ва воқеа-ҳодисаларга бой ўзгарувчан дунёда фаолият юритишнинг асосий тамойилларини таклиф этади.

Бозор иқтисодиёти шароитларидаги кўчмас мулкни баҳолашнинг халқаро меъёрлари талабларига айнан ўхшаш кўчмас мулк объектларини баҳолашнинг амалдаги тизими Ўзбекистонда мавжуд эмас эди.

Мавжуд меъерий усуллар иккиламчи бозор талабларига жавоб бермайди, хорижий инвестицияларни ҳисобга олмайди, бозор иқтисодиёти шароитларига мос келмайди.

Кўчмас мулкни баҳолаш стандартларининг умуман янги тизимини яратиш учун асосий шарт-шароитлар ва талаблар қуйидагилардан иборат:

- ривожланаётган мамлакатнинг иқтисодий шароитлари;
- ўтиш даврида хатоларга йўл қўймаслик;
- кўчмас мулкни баҳолаш билан боғлиқ фан ва техникадаги барча янгиликларни тадбиқ этиш;
- тўпланган халқаро тартибдан фойдаланиш;
- стандартларнинг ишлаб чиқилиши замонанинг мақсадигина эмас, балки талаби ҳамдир.

Бизнинг республикамызда 1997-йилнинг май ойида Тошкент Давлат Авиация институти, Республика лойиҳа ташкилотлари, Тошкент Архитектура-қурилиш институтининг мутахассислари ва олимлари томонидан грант бўйича бажарилган «Кўчмас мулкни баҳолашнинг техник стандартларини ишлаб чиқиш» деб номланган тегишли хужжатлар пакети якунланди ва тақдим этилди. Лойиҳа кўринишидаги мазкур иш АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (АЮ) тақдим этган маблағлар ҳисобига Евросиё жамғармаси ёрдамида грант асосида амалга оширилди.

Мазкур иш Ўзбекистон Республикасидаги ўзига хос шароитларни ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулкни баҳолашнинг халқаро тан олинган техник стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш асосида бажарилди.

Стандартлар кўчмас мулк объектларини баҳолаш технологиясига мувофиқ бўлган тартибда ишлаб чиқилди.

Кўчмас мулкни баҳолашнинг техник стандартлари (КМБТА) тизими Ўзбекистон Республикасида ривожланаётган бозор муносабатлари иқтисодий шароитларига мувофиқ тарзда, амалдаги қонунлар, меъёрлар, қоидалар ва давлат стандартлари негизида яратилган. Техник стандартларни ишлаб чиқишда етакчи хорижий давлатлар тажрибалари ҳисобга олинган, мазкур соҳадаги фан ва техника ютуқлари тадбиқ этилган, ушбу лойиҳа муаллифларининг янги илмий асарларидан фойдаланилган.

КМБТАнинг бош йўналиши ташкилотлар, корхоналар ва баҳоловчи-мутахассисларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги ривожланиши шароитидаги кўчмас мулкни ҳолисона баҳолаш ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат.

Ҳам хорижий тажрибадан, ҳам мамлакатимиздаги ўзига хос шарт-шароитдан келиб чиқувчи Ўзбекистон Республикаси учун кўчмас мулкни баҳолаш техник стандартларининг қуйидаги хусусиятларини ва хулосаларни таъкидлаб ўтиш зарур:

- деярли барча мамлакатларда кўчмас мулк кадастри бўйича ҳужжатлар тузилиб, компьютерларга киритилган. Улар техник стандартлар асосида мунтазам аниқлаштирилади, янгиланади ва кўчмас мулк мониторинги даражасига етказилади;

- чет элда кўчмас мулкни баҳолаш, техник стандартлар ва меъерий-ҳуқуқий негиз асосида объектни ҳолисона, малакали ва мустақил баҳолаш мақсадида мустақил, нодавлат органлар томонидан амалга оширилади;

- кўчмас мулкни баҳолаш, мустақил суғурта компанияси иштирокида, турли фалокатлар рўй берганида мулкнинг суғуртавий таъминланишига имкон яратадиган суғурта суммасини маълум қилиш билан бирга амалга оширилади;

- техник стандартлар республиканинг қонуний-ҳуқуқий негизига асосланган, техник меъёр ва қоидалар ҳамда районларнинг зилзилавий кўрсаткичлари, минтақамизнинг ерлари, тупроқ шароитлари хусусиятлари ҳисобга олинган;

- иморат ва иншоотларни баҳолашда уларнинг ҳозирги кундаги техник ҳолати: мустаҳкамлиги, бикрлиги, устиворлиги, ишончилиги ҳамда зилзилабардошликлар асос қилиб олинган.

Ҳозирги вақтда Республикада кўчмас мулкни баҳолашнинг меъёрий (нобозор) усуллари кенг қўлланилмоқда, бироқ иккиламчи бозор (хусусийлаштириш жараёнидан сўнг) ва хорижий инвестицияларни катта миқдорда жалб этиш зарурияти кўчмас мулкни баҳолашнинг бозор усулларини тобора кўпроқ қўллашни тақозо этаяпти.

Халқаро ва мамлакатимиздаги стандартлаш амалиётида кўп тарқалаётган услубий тамойиллардан фойдаланиш ушбу масалани ечиш борасидаги асосий воситалардан биридир. Меъёрий ҳужжатларда асослаш ва ҳисоб-китоб усулларининг муфассал таърифи келтирилган, аввал фойдаланилган ёндошувлардан фарқ қилиб, бу ерда тақдим этилган тизим (КМБТА) биринчи навбатда истемолчилар талабларига асосланган баҳолаш тарифларини ўз ичига олган.

КМБТАда бино ва иншоотларнинг ишончилиги аниқ баҳо бериш масаласига оид стандартлар берилган бўлиб, бунда лойиҳа муаллифлари ишлаб чиққан оригинал услубдан фойдаланилган; шунингдек мазкур ҳужжатда, иншоотлар ишончилиги ва мустаҳкамлиги назарияларининг сўнги ютуқларига суянган ҳолда, кўчмас мулк объектларини зилзилабардошликка доир қурилиш меъёрлари (нормалари) талабларига жавоб бериш-бермаслиги масаласига ҳам баҳо берилган.

КМБТА да саноат, жамоат, фуқаро бинолари ва иншоотларини паспортлаштириш ишларини ташкил этиш муаммоси ҳам ўз аксини топган.

Кўчмас мулкни баҳолашнинг ишлаб чиқилган стандартлари бир қатор хусусиятларга эга, жумладан:

- Кўчмас мулкнинг асосланган баҳоланиши;
- Стандартлар кўчмас мулк объектларини баҳолаш технологиясига мувофиқ равишда ишлаб чиқилганлиги;

- Стандартлар тизими ривожланаётган бозор муносабатларининг иқтисодий шароитларига мувофиқ ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари, меъёрлари, қоидалари ва давлат стандартлари негизида яратилганлиги;

- Ташкилотлар, корхоналар ва баҳоловчи мутахассисларнинг мустақиллиги ва ташаббускорлиги ривожланган шароитда, мамлакатимизда вужудга келаётган янги ижтимоий-иқтисодий тизим хусусиятини ҳисобга олган ҳолда кўчмас мулкни ҳолисона баҳолаш ҳамда истеъмолчилар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиши;

- Истеъмолчи талабларига асосланган баҳолаш хусусиятларини мувофиқ тарзда ўз ичига олган стандартларнинг услубий тамойили;

- Стандартлар аввало баҳолаш натижаларига қўйилган талабларни хизматлар сифатида белгиланиши;

- Стандартлар кўчмас мулк қийматини аниқлашга малакасиз ёндошув учун ўрин қолдирмайди, нафақат тикланувчи, ликвидацион ёки қолдиқ қийматларни, балки кўчмас мулкдан самарали фойдаланиш ва ҳаражатлар билан даромадларнинг мувозанатлаштирилган ўзаро нисбати тамойилларига асосланган инвестицион қийматни ҳам ҳисобга олишга имкон берадиган услубиятларнинг мажмуавийлигига нисбатан қатъий талаблар қўяди;

Умуман олганда техник стандартларда Республиканинг қонуний-ҳуқуқий негизига асосланган, республикадаги меъёр ва қоидалар ҳамда районларнинг зилзилавий кўрсаткичлари ва минтақанинг ер, тупроқ шароитлари хусусиятлари ҳисобга олинган.

Шу даврда халқаро стандартлар ва яратилган баҳолашнинг техник стандартлари ва шу каби долзарб муаммолар юзасидан Республика марказий газетларида, радио ва телевидениеда чиқишлар уюштирилди.

Давлат мулкни бошқариш қўмитасининг 14 июнь 2006 йилдаги қарори билан мулкни баҳолашнинг миллий стандартлари - (Национальные стандарты оценки имущества - НСОИ ) тасдиқланди:

- Умумий тушунчалар ва баҳолаш принциплари - НСОИ №1. 14.06.2006 й. №01/19-19

- Бозор қиймати баҳолаш асослари сифатида. НСОИ №2. 14.06.2006 й. №01/19-20

- Бозор қийматидан фарқ қилувчи баҳолаш асослари. НСОИ №3. 14.06.2006 й. №01/19-21

- Молия ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлар мақсадида баҳолаш. НСОИ №4. 14.06.2006 й. №01/19-22

- Ссудалар таъминоти, гаров ва мажбуриятлар мақсадида баҳолаш. НСОИ №5. 14.06.2006 й. №01/19-23

- Ҳарбий-техник мулкларни баҳолаш. НСОИ №6. 05.02.2008 й. №01/19-18/01,3

- Баҳоловчилар хизматларини сифатини назорат қилиш ички қоидаларига қўйиладиган умумий талаблар. НСОИ №7. 19.08.2008 й. №01/19-18/13

Бу стандартлар Республиканинг шу йўналишида катта ижобий ютуқ бўлди. Ҳозирги пайтда баҳолашга тааллуқли бўлган бошқа янги стандартларни яратиш ва амалдагиларни мувофиқлаштириш устида ишлар олиб борилмоқда. Баҳолаш жараёнини мукамаллаштириш ва уларни халқаро талабларга мослаштириш устида ишлар қилинмоқда.

Юқорида санаб ўтилган меъёрий-қонуний ҳужжатлар ва ҳуқуқий актлар ҳам баҳолаш фаолиятини ташкил этишда, ҳам баҳоловчи мутахассисларни тайёрлашда асосий негиз бўлиб хизмат қилади.

Баҳолаш стандартлари миллий тизимининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- мулкни баҳолаш жараёнининг иштирокчилари бўлмиш барча томонлар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ўзаро ҳамкорликни таъминлаш;
- баҳолаш хизматларини сертификатлашни таъминлаш учун меъёрий базани шакллантириш;
- баҳолаш усуллариغا, баҳолаш бўйича хисоботларнинг мазмуни ва шаклига қуйиладиган ягона талабларни белгилаш;
- баҳолашда фойдаланиладиган техник-иқтисодий ахборотни таснифлаш ва кодлаш тизимини барпо этиш ва юритиш;
- атамалар, хизматлар таснифи, баҳолаш усуллари халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириш;
- стандартлаштириш воситалари ва усуллари билан Ўзбекистон Республикасининг конун ҳужжатларига амал қилинишига қўмаклашиш.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси томонидан 1997 йилдан бошлаб бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда ва баҳоловчиларнинг касбий бирлашмалари билан узвий ҳамкорликда баҳолаш фаолиятининг субъектлари томонидан қўлланилиши мажбурий бўлган баҳолаш стандартларининг лойиҳаларини ишлаб амалга оширилмоқда.

Уздавандазанинг 1999 йил 2 августдаги 12-234 - сон қарори билан баҳолаш фаолияти соҳасида Ўзбекистон Республикасининг стандартлари жорий этилди. Хозирги вақтда Ўзбекистон баҳоловчилари стандартларнинг қуйидаги турларидан фойдаланмоқда; «Бозор қиймати баҳолашнинг базаси сифатида»; «Бозор қийматидан фарқ қилувчи баҳолаш базаси»; «Молиявий хисобот ва ўзаро боғлиқ ҳужжатлар мақсадида баҳолаш»; «Кўчмас мулк (ер участкаси, қурилиши тугалланмаган объектлар, бинолар ва иншоотлар) ни баҳолаш асосий қоидалар» ва бошқалар.

## **I боб бўйича хулоса**

Кўчмас мулк барпо этилади, фойдаланилади ва эскиради. Банк кредитларини олишда гаров кафолати сифатида кўчмас мулк объектларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида бир қанча норматив ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар жумласига Ўзбекистон Республикасининг “Гаров тўғрисида” ги, “Ипотека тўғрисидаги”, “Микромолиялаш тўғрисидаги” ва “Истеъмол кредити тўғрисидаги” Қонунларини ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майда қабул қилинган 148 сонли “Тасдиқланган намунавий лойихалар бўйича яқка тартибдаги уй жой қурилиши учун “Қишлоқ қурилиш банк” акциядорлик тижорат банки томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарор ва бошқа қонун ҳужжатларини келтириш мумкин.

Кўчмас мулк муайян фойдаланувчи учун унинг иқтисодий, шахсий ва ҳ.к. эҳтиёжларини амалга ошириш фойдали бўлган тақдирдагина қийматга эга бўлади. Кўчмас мулк қийматини баҳолаш бўйича меъёрий ҳужжатларнинг асосий йўналиши ташкилотлар, корхоналар ва баҳоловчи мутахассисларнинг мустақиллиги ва ташаббусларини ривожлантириш баробарида истеъмолчилар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан ҳимояланадиган манфаатларини муҳофазалашдир.

Ушбу вазифани ҳал этишнинг асосий воситаларидан бири бўлиб андазалаштиришнинг халқаро ва мамлакат амалиётида борган сайин кенг тарқалаётган услубий стандартлаштиришнинг халқаро ва мамлакат амалиётида борган сайин кенг тарқатаётган тамойиллардан фойдаланиш ҳисобланади.

Меъёрий ҳужжатларда фойдаланаётган асослаш усуллари ва баҳолаш ҳисоб-китоблари батафсил ёритилган, меъёрий ҳужжатларнинг барпо этилаётган тизими эса истеъмолчиларнинг талабларига асосланган баҳолаш хусусиятларини кўпроқ мужассамлантирган.

Ишлаб чиқилаётган меъёрий ҳужжатлар биринчи галда каноатлантирилиши лозим бўлган хизматлар сифатида баҳолаш натижаларига,

ёки баҳолаш натижаларидаи фойдаланиш асосида эришилиши лозим бўлган мақсадларга қўйиладиган талабларни белгилайди.

## **II БОБ. ЎЗБЕКИСТОНДА БАНК КРЕДИТИНИ ОЛИШДА КЎЧМАС МУЛК ОБЪЕКТЛАРИНИ БАҲОЛАШ ҲИСОБОТЛАРИ ТАҲЛИЛИ.**

### **2.1.Кўчмас мулк бозоридаги жорий ҳолатнинг таҳлили.**

Маълумки, кўчмас мулк бозори ҳар хил ҳудудлар ёки туманлар учун бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бир ер майдони ўзига хос хусусиятларга эга. Улардан қурилиш учун фойдаланилиши ёки қишлоқ хўжалиги, саноат, ишлаб чиқаришда аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Бу тафовутлар маҳаллий ҳокимият томонидан иқтисодий шарт-шароитлардан ва ҳудудларнинг ҳуқуқий тафовутларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилади. Самарали бозорнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- стандартлаштирилган маҳсулотнинг бўлиши;
- сотиш ҳажми ва қийматининг мавсўмга боғлиқ бўлмаслиги;
- молиялашнинг оддий тизими;
- ҳуқуқий талабларнинг камроқ бўлиши ва чегараланиши;
- маҳаллий ҳокимият томонидан назоратнинг бўлмаслиги ва ҳ. к.

Сотиладиган ва харид қилинадиган объектларга қараб кўчмас мулк бозори бирламчи ва иккиламчи бозорларга бўлинади.

**Бирламчи бозор** – бу кўчмас мулк товар сифатида биринчи бор бозорга тушадиган иқтисодий вазият. Хўжалик юритишнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш ва хусусийлаштиришни амалга ошириш шароитида кўчмас мулк бозорида асосий сотувчи бўлиб, ўз бошқарув органлари орқали давлат иштирок этади.

**Иккиламчи бозор** – кўчмас мулкнинг илгари исиеъмолда бўлган ва маълум бир мулкдорга – жисмоний ёки юридик шахсга тегишли бўлган товар сифатида бозорга тақдим этилиши.

Қуйидаги 2.1-расмда кўчмас мулк бозори субъектлари кўрсатилган.



## 2.1-расм. Кўчмас мулк бозорининг субъектлари.

(Турдиев А.С. маъруза матни)

**Давлат** меъёрий-ҳуқуқий базани бошқариш, кўчмас мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдаги сотувчи, кўчмас мулкнинг миллийлаштирилишидаги харидор каби функцияларни бажаради.

**Кўчмас мулк мулкдорлари** кўчмас мулкнинг сотувчилари (жисмоний ва юридик шахс), кўчмас мулкнинг харидорлари (жисмоний ва юридик шахс) ва девелоперлар, яъни кўчмас мулкнинг уни кейинги сотиш учун харидорлари функцияларини бажарадилар.



**Кўчмас мулк билан операцияларни тайёрлаш ва ўтказиш билан банд бўлган тузилмалар** кўчмас мулк бозорини ўрганиш (маркетинг тадқиқотлари, юридик маслаҳатлар, ахборот хизматлари); кўчмас мулкни сотиш ва харид қилиш бўйича операцияларни тайёрлаш (маслаҳат, юридик, баҳолаш ва суғурта хизматлари); кўчмас мулк билан операцияларни ўтказиш (биржа, риэлторлик ва девелоперлик хизматлари) вазифаларини бажарадилар.

**Кўчмас мулк билан операцияларни расмийлаштириш ва уларни рўйхатга олиш билан банд бўлган тузилмалар** эса ўз навбатида, кўчмас мулк билан операцияларни расмийлаштириш, ер участкаларини рўйхатга олиш ва кўчмас мулкни рўйхатга олиш вазифалари билан шуғулланадилар.

Баҳоловчи, кўчмас мулк бозори ҳолати ва унинг ўзгаришини билиш учун доимий изланишда бўлиши керак.

2.1-жадвал. Тошкент шаҳрининг 2014 йилда хусусий кўчмас мулкларга таклиф қилинадиган баҳоси (Сўм/ м<sup>2</sup>)

Бино турлари	Таклифлар сони	1 кв.м.га ўртача нархи	1 кв.м.га минимал нархи	1 кв.м.га максимал нархи
Ишлаб чиқариш ва оғорхона бинолари	104	1 550 495,02	327 777,78	4 916 666,67
Офис бинолари	174	1 955 616,73	308 823,53	4 056 250,00
Савдо ва химат кўрсатиш бинолари	98	2 286 817,21	283 653,85	12 291 666,67
Кафе ва ресторанлар	61	1 741 315,06	38 655,17	6 766 055,05




2.2- расм. Бинонинг турига асосланиб, сотувга таклиф қилинаётган биноларнинг диаграммаси.

Тахлиллар натижасида шуни аниқладикки, хусусий кўчмас мулкга таклифларни катта қисмини офис ва савдо биноларини ташкил қилади. 437 та таклифлардан 104 таси сараланиб, ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотлари категориясига тўғри келади. Ишлаб чиқариш кўчмас мулкларнинг ўртача нархи -1 550 495.02 Сўм/м<sup>2</sup>, Офис бинолари-1 955 616,73 Сўм/м<sup>2</sup>, Савдо ва химат

кўрсатиш бинолари-2 286 817,21 Сўм/м<sup>2</sup>, Кафе ва ресторанлар-1 741 315,06 Сўм/м<sup>2</sup>. Кўриниб турибдики, таклиф қилинаётган нархларнинг юқориси ишлаб чиқариш кўчмас мулкларигадир.

2.2-жадвал. 2012 -2014 йил Тошкент шаҳри хусусий кўчмас мулкларнинг таклифлар миқдори. (дона)


Бино турлари	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари	62	148	104
Офис бинолари	184	261	174
Савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари	160	134	98
Кафе ва ресторанлар			61
Жами:	406	543	437



2.3.-расм. 2012-2014 йилга Тошкент шаҳри учун хусусий кўчмас мулкларни ўртача таклифи.

2.3-жадвал. 2012-2014 йилга Тошкент шаҳри учун хусусий кўчмас мулкларни тўловларнинг ўртача миқдори. (Сўм/ м<sup>2</sup>)

Бино турлари	2012 йил	2013 йил	2014 йил
Ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари	921 746,30	1 191 180,53	1 550 495,02
Офис бинолари	2 618 000,00	1 797 395,13	1 955 616,73
Савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари	3 412 062,50	1 986 207,40	2 286 817,21
Кафе ва ресторанлар			1 741 315,06



2.4-расм. 2012-2014 йилга Тошкент шаҳри учун хусусий кўчмас мулкларни ўртача таклифи.


Риэлторларнинг кузатишига қараганда хусусий кўчмас мулк бозорида асосан келишувлар 203-300 кв.мгача майдонли объектларда амалга оширилган.

Катта иншоотларни сотиб олувчи реал харидорлар hozirча катта бино ва иншоотларни сотиб олишга шошилишмаяпти.

Сотувга таклиф қилинган ўртача майдонли иншоотлар хусусий кўчмас мулк бозорида қуйидаги жадвалда кўрсатилган.

2.4-жадвал. Тошкент шаҳрининг хусусий кўчмас мулк майдонини асосий кўрсаткичлари (м<sup>2</sup>)

Бино турлари	Таклифлар сони	Ўртача майдони м <sup>2</sup>	Минимал майдони м <sup>2</sup>	Максимал майдони м <sup>2</sup>
Ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари	104	2 073	69	5 000
Офис бинолари	174	222	37	1 671
Савдо ва хизмат кўрсатиш бинолари	98	369	9	7 007
Кафе ва ресторанлар	61	862	38	4 611




2.5-расм. Бинонинг майдонига асосланиб, сотувга таклиф қилинаётган биноларнинг диаграммаси.

**Ишлаб чиқариш ва омборхона бинолари.**

Тошкент шаҳрининг 11 та тумани бўйича тўловларнинг ўртача миқдори 1 268 586,84 Сўм/м<sup>2</sup>ни ташкил этди.

2.5-жадвал. Тошкент шаҳрининг туманлар бўйича офис биноларининг таклифлар миқдори. (Сўм/м<sup>2</sup>)

Туманлар	Таклифлар сони	1 кв.м.га ўртача нархи	1 кв.м.га минимал нархи	1 кв.м.га максимал нархи
Мирзо Улуғбек	29	1 125 801,12	342 410,71	3 072 916,67
Миробод	6	1 242 467,13	846 889,95	2 037 828,95
Сергили	14	1 415 906,33	327 777,78	3 277 777,78
Олмазор	6	2 131 204,65	767 000,00	4 916 666,67
Яшнаобод	9	1 207 175,31	531 000,00	2 102 928,57
Чилонзор	16	1 236 014,21	715 151,52	3 540 000,00
Шайхонтохур	5	1 578 124,16	704 093,00	2 786 111,11
Юнусобод	6	939 871,66	295 000,00	1 475 000,00
Яккасарой	10	1 244 829,03	574 675,32	2 581 250,00
Учтепа	2	1 095 561,59	737 500,00	1 453 623,19
Бектемир	1	737 500,00	737 500,00	737 500,00
Тошкент ш. бўйича жами:	<b>104</b>	<b>1 268 586,84</b>	<b>327 777,78</b>	<b>3 540 000,00</b>



2.6-расм. Бинонинг туманларга асосланиб, сотувга тақлиф қилинаётган биноларнинг диаграммаси.

2.6-жадвал. Ишлаб чиқариш ва омборхона биноларинг майдонининг асосий кўрсаткичлари. 2014 йил (м<sup>2</sup>)

Туманлар	Тақлифлар сони	Ўртача майдони м <sup>2</sup>	Минимал майдони м <sup>2</sup>	Максимал майдони м <sup>2</sup>
Мирзо Улуғбек	29	1543	69	5 000
Миробод	6	581	165	1 045
Сергели	14	2115	204	4 000
Олмазор	6	1213	90	2 700
Яшнаобод	9	991	80	1 591
Чилонзор	16	2692	300	22 000
Шайхонтохур	5	978	90	3 050
Юнусобод	6	1953	638	5 000
Яккасарой	10	2918	78	10 400
Учтепа	2	623	345	900
Бектемир	1	7 200	7 200	7 200
